

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАДИРЛАР. ҲАР БИР САЙЛОВЧИ БИР ОВОЗГА ЭГА. ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ, ЎЗ ҲОҲИШ-ИРОДАСИНИ БИЛДИРИШ ТЕНГЛИГИ ВА ЭРКИНЛИГИ ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасидан.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

**SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!**

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

● 2009-yil ● 26-noyabr ● Payshanba ● 138 (30.098) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАРАФДОРИ.
ПАРТИЯМИЗ АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОҒАЗАГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМИ
МАНҒААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ҚУРАШАДИ.**

ЎЗХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

2-3 бетлар

ФРАКЦИЯ МАЖЛИСИ

**Кеча Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси фракциясининг
мажлиси бўлиб ўтди.**



Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Аҳоли орасида микронутриент етишмовчилигининг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқди. Мазкур қонун лойиҳаси, биринчи ўқишдан сўнг унинг ус-тида олиб борилган иш-лар ҳақида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Жамиля Ниёзова ахборот берди. Ушбу ҳужжат юзасидан Ўзбекистон ХДП депутатлари партия электорати ман-

фаатидан келиб чиқиб кўплаб таклифлар бил-диргани, уларнинг акса-рияти лойиҳада ўз ифо-дасини топганини таъ-қидлади.

Мамлакатимизда бойитилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, олиб кириш, олиб чиқиш, сотиш ва фойдаланиш соҳасида ҳуқуқий асосларни яра-тиш ушбу қонуннинг асосий мақсади ҳисоб-ланади. Унинг қабул қилиниши ўсиб кела-ётган авлоднинг соғлом бўлиб вояга етиши, мамлакат аҳолисининг

фаровонлигини таъмин-лашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки микронутри-ент етишмовчилиги ин-сон соғлиги билан бог-лиқ салбий оқибатлар-ни келтириб чиқариши мумкин. Темир модда-си, фолий кислотаси

танқислигини қисқар-тириш бўйича эришил-ган натижаларнинг бар-қарорлигини таъмин-лаш, шунингдек, мик-ронутриентлар танқис-лигига қарши кура-шига қаратилган тад-бирларни мувофиқлаш-

тириш ва назорат қилиш бўйича давлат тизимини ташкил этиш орқали муаммони самар-али ҳал этиш мумкин. Пировардида буларнинг барчаси аҳоли ижтимо-ий ва иқтисодий фаро-вонлигини таъминлаш-

га хизмат қилади. Ана шуларни эътиборга олиб, фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳа-сини маъқуллаш зарур деган қарорга келдилар. **Асли КАМОЛ, Абдिवоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**2009 йил 5 декабрь шанба
дам олиш кунини 2009
йил 7 декабрь душанбага
кўчириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақ-садда:

2009 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2009 йил 7 декабрь душанбага кўчирилсин.
5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилин-син.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 ноябрь

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барако-туху.

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жа-ноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳуку-мати ва шаҳсан ўз номидан энг самимий тилақлар ва эзгу истақларни йўллашдан мамнунман. Ушбу фазилатли айёмда Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ, бутун ислом умматига эса фаровонлик ва хайр-барока ато этишини сўраб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,
Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи**

◆◆◆

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барако-туху.

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жа-ноби Олийларига самимий тилақлар ва эзгу истақ-ларини йўллаб, Аллоҳ таборак ва таолодан ушбу фазилатли айём баракотидан барчамизга насиб ай-лашини, ислом умматига эса шон-шўҳрат, юксалиш ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,
Биродарингиз

**Султон бин Абдулазиз Ол Сауд,
Саудия Арабистони Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
Мудофаа ва авиация вазир, Бош назоратчи**

◆◆◆

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

**Муҳаммад Хусний Муборак,
Миср Араб Республикаси Президенти**

◆◆◆

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин дилдан табриклаб, эзгу тилақларини йўллашдан беҳад мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийлари-га мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва дўст Ўзбеки-стон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаб қола-ман.

Камоли эҳтиром ила,
**Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳён,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти**

**Мамлакатимиз
Президентининг та-шаббуси билан ҳар йили талабалар учун чоп этилаётган дарс-лик ва ўқув адабиётла-рининг муаллифлари-ни рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муалли-фи» республика танло-ви ўтказиб келинади.**

ДАРСЛИК МУАЛЛИФЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ



К уни кеча Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигида мазкур тан-ловнинг бу йилги ғолиб-ларини тақдирлаш маро-симси бўлиб ўтди. Танлов-га жами 209 номдаги ўқув адабиётлари тақдим этилган бўлиб, шулардан 61 таси ғолиб деб топилди.

— Улмасхон Шарипова билан ҳаммуаллифликда олий ўқув юрти талаба-лари учун яратган «Тил-шунослик асослари» дарс-лигимиз 1-ўринга лойиқ кўрилди, — дейди Ибро-ҳим Юлдашев. — Бундан жуда ҳам хурсандман. Бу тилшунослик оид лотин ёзувидаги биринчи ўқув кўлланмасидир. Биз бу дарсликда нихоятда бой тилимизнинг жаҳонда тут-ган юксак мавқеий,

аҳамияти, унинг бошқа тилларга кўрсатган таъ-си-рини мисоллар орқали асослаб беришга ҳаракат қилдик.

— Аввало, камтарона меҳнатимизни муносиб баҳолаган тadbир ташки-лотчиларига ўз миннат-дорчилигимни билдира-ман, — дейди қозоқ ти-лидаги 1-4-синфлар учун

мўлжалланган «Ўқиш ки-тоби» нинг муаллифи, 1-ўрин соҳиби Маҳкамбой Умаров. — Энг яхши дея топилган дарслигимизда нафақат қозоқ, балки ўзбек, қирғиз адиблари, хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ҳамда Темур Убайдулла, Турсунали Адашбоев сингари болалар адаби-

ёти ёзувчиларининг ажойиб ҳикоялари, иб-ратли шеър, масаллари ўрин олган. «Фармакогнозия» юнонча сўз бўлиб, дори-ларни ўрганиш маъноси-ни билдиради. Ушбу йўналишдаги сўнгги дарс-лик 1997 йилда, кирилл алифбосида чиққан эди, — дейди танловда иккин-

Танлов

чи ўринни кўлга киритган Наргиза Мусаева. — Биз бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, қол-леж талабалари учун мўлжалланган, лотин алифбосидаги «Фарма-когнозия» ва ботаника асослари» ўқув кўлланма-сини яратдик. Ушбу дарс-ликнинг афзаллиги шун-даки, унда халқ таъоба-тида кўлланиладиган до-ривор ўсимликларнинг янги кимёвий таркиби ва уларни замонавий меди-цинада қўллаш усуллари ҳақида ҳам алоҳида боб-лар киритилган.

Тadbирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республика-си олий ва ўрта-махсус таълим вазир Азимжон Парпиев ғолиб деб топилган дарслик муаллиф-ларини эришган улкан муваффақиятлари билан қутлаб, уларга махсус диплом ва эсдалик совғалари топширди.

**Диплод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири,
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.**

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА
«ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА»
ГАЗЕТАЛАРИГА
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА
АЗИЗ ГАЗЕТХОН!**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқа-тувчи» АК барча бўлим-ларида 2010 йил учун газеталаримизга обуна қабул қилинапти. Обунани ўз вақтида расмийлаштирсангиз бўлди, газеталаримиз уйингизга, ишхонангизга ўзи кириб бораверади.

«Ўзбекистон овози» газетасининг
обуна индекси — 220.
«Голос Узбекистана» газетасининг
обуна индекси — 120.



Обуна — 2010

ТАНИШИНГ: ЎЗХДПДАН ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР

2-3

«БУЎЁДКОРЛИК ЭПОПЕЯСИ»

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА:		
Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими
1-Нукус сайлов округи		
Аялов Шарофатдин Аяпович	1954	Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини Миллий истиқлол ғоясини тарғибот этиш маркази раҳбари
2-Тўртқўл сайлов округи		
Яқупов Жаҳонгир Салиевич	1968	Беруний тумани енгил-саноат касб-хунар коллежи директори
3-Элликқалъа сайлов округи		
Фахриддинов Нураддин Хикматиллаевич	1960	Элликқалъа тумани «Элита тўртён» фермер хўжалиги раҳбари
4-Амударё сайлов округи		
Матякубова Назира Тохтабаевна	1968	«Аму тонги» газетаси бош муҳаррири
5-Хўжайли сайлов округи		
Оразшаев Мирзамурат Алламуратович	1952	Агросаноат комплекси ходимлари касба уюшмаси Хўжайли туман кенгаши раиси
6-Чимбой сайлов округи		
Нуржанова Тойдиҳан Ержановна	1960	Тахтақўпир тумани «Даўлет ота тахта» фермер хўжалиги раҳбари
7-Орол сайлов округи		
Пахратдинова Шинаргул Абдусаитовна	1965	Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқармаси бошлиғи
8-Оқманғит сайлов округи		
Низаматдинова Оразгул Уснатдиновна	1959	Кегейли туман тиббиёт бирлашмаси бўлим бошлиғи
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
9-Андижон сайлов округи		
Каримова Хапизахон Қўлдашевна	1960	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори
10-Олтинқўл сайлов округи		
Юлдашев Махаммаджон Иминжонович	1957	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши раиси
11-Бўз сайлов округи		
Хожиакбаров Усмонжон Имомалиевич	1968	Бўз тумани молия бўлими бош иқтисодчиси
12-Шахрихон сайлов округи		
Мирзаахмедов Баходиржон Давронович	1957	Андижон вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари
13-Асака сайлов округи		
Холматов Абдувосит Холдоревич	1950	Булоқбоши тумани 11-махсус мактаб-интернат директори
14-Марҳамат сайлов округи		
Ахунوف Уктамжон	1949	Андижон шаҳри Ёшлар маркази директори ўринбосари
15-Хўжаобод сайлов округи		
Муталова Дилзода Абдурахмоновна	1955	Хўжаобод тумани фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими мудараси
16-Пахтаобод сайлов округи		
Валиев Икромитдин	1954	«Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси
17-Қўрғонтепа сайлов округи		
Мухаммаджонов Қосим Махмудович	1960	Қўрғонтепа тумани индустриал-педагогика коллежи директори
18-Избоскан сайлов округи		
Тиллабоев Алишер Абдусаматович	1951	Избоскан тумани «Тиллабоев орзу» фермер хўжалиги раҳбари
19-Хартум сайлов округи		
Хожибеков Улуғбек Лутфиллаевич	1963	Андижон тумани «Ёрбоши келажаги» фермер хўжалиги раҳбари
20-Чинобод сайлов округи		
Рахимов Абдуманноб Кузиевич	1963	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси
БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
21-Бухоро сайлов округи		
Хайтов Шавкат Шарифович	1968	«Трастбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раисининг маслаҳатчиси
22-Когон сайлов округи		
Каримов Шавкат Камилевич	1966	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси
23-Шохруд сайлов округи		
Хасанов Ражаббой Тўхсанович	1963	«Пешку-Дармон автотаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари
24-Ибн Сино сайлов округи		
Рўзиев Мажит Кузиевич	1974	«Ишончи ҳимоя» адвокатлик фирмаси адвокати
25-Варахшо сайлов округи		
Ҳикматов Саънатилло Нусратович	1967	Бухоро вилояти Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори
26-Пайкент сайлов округи		
Абдуллаева Шарбат Зулпикаровна	1958	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси
27-Жилвон сайлов округи		
Очиллов Камил Раҳимович	1951	Бухоро давлат тиббиёт институти кафедра мудири
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
29-Жиззах сайлов округи		
Қобиллов Комил Зоирович	1956	Жиззах шаҳри «MILK-FOODS» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари

30-Дўстлик сайлов округи		
Бугаев Миртазақул Отақуллович	1965	Дўстлик тумани «Эшнўз бобо» фермер хўжалиги раҳбари
31-Зарбдор сайлов округи		
Тураева Гулнора Мамадалиевна	1964	Республика шозилич тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Жиззах филиали гинекология бўлими бошлиғи
32-Фаллаорол сайлов округи		
Соатова Дилбар	1951	Жиззах политехника институти маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори
33-Пахтакор сайлов округи		
Абдурахмонов Абдунаби Абдураимович	1957	Жиззах тумани «Қўрғонтепа» фермер хўжалиги раҳбари
НАВОЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
34-Навоий сайлов округи		
Бекназаров Файрат Ибодуллаевич	1973	«Ўзсаноатқурилишбанк» Навоий минтақавий филиали бошлиғи
35-Қизилтепа сайлов округи		
Ахмедов Аҳад Амириддинович	1964	«Фарбгазтаъминот» Унитар корхонаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи
36-Зарафшон сайлов округи		
Искандаров Шакириддин Ибрагимович	1967	«Қизилқум» Тоғ корхонаси геология-қидирув экспедицияси бошлиғи вази-фасини бажарувчи
37-Хатирчи сайлов округи		
Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна	1964	Навоий давлат педагогика институти педагогика факультети декани
38-Нурота сайлов округи		
Валиева Раъно Насимовна	1959	Қизилтепа тумани «Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
39-Дўстлик сайлов округи		
Ражапов Воҳобжон Туражонович	1971	Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
40-Сардоба сайлов округи		
Ахунова Гулнора Хабибуллаевна	1960	«East Telecom» масъулияти чекланган жамияти бош ҳуқуқшуноси
41-Тошбулоқ сайлов округи		
Жабборов Ҳамидулло Валижонович	1969	Наманган вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари
42-Косонсой сайлов округи		
Раҳимова Мухтабархон Воҳидовна	1959	Косонсой қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик касб-хунар коллежи ўқитувчиси
43-Поп сайлов округи		
Сайитбаев Шермирза Даткамизраевич	1956	Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти молия кафедраси мудири
44-Тўрақўрғон сайлов округи		
Мансуров Зиёвуддин	1954	Республика Маънавият-тарғибот маркази Наманган вилоят бўлими раҳбари
45-Уйчи сайлов округи		
Абдуллаев Равшан Набиевич	1972	Уйчи тумани «Абдулло» фермер хўжалиги раҳбари
46-Учқўрғон сайлов округи		
Исмоилов Нурдинжон Мўйдинжонович	1959	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси
47-Чортоқ сайлов округи		
Холиқова Дилбар Маликжоновна	1960	«Ўзбекистон почтаси» очик турдаги акциядорлик жамияти Наманган филиали директори
48-Чуст сайлов округи		
Обидов Абдужаббор Абдуғафурович	1967	Наманган вилояти «Қишлоқхўжалик-кимё» акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари
49-Янгиқўрғон сайлов округи		
Кирғизбаев Абдуғаппор Каримжонович	1962	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
50-Регистон сайлов округи		
Раджабов Фахриддин Зайниевич	1962	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси
51-Сўғдиёна сайлов округи		
Ибрагимова Гулчехра Исоевна	1971	Самарқанд шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бўлим бошлиғи
52-Булуғур сайлов округи		
Вафаев Улуғбек Назарович	1967	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари
53-Иштихон сайлов округи		
Юсупов Абдиқаҳор Назарович	1971	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарқанд вилоят Бош бошқармаси бошлиғи
54-Каттақўрғон сайлов округи		
Пармонова Шохиста Ахтамовна	1959	Нарпай тумани 62-сон умумтаълим мактаби директори
55-Қорадарё сайлов округи		
Азизов Искандар	1957	Пахтачи тумани Статистика бўлими бошлиғи
56-Нарпай сайлов округи		
Махмудова Розия Ахмедовна	1955	Нарпай тумани «Розия Махмудова» фермер хўжалиги раҳбари
57-Оқдарё сайлов округи		
Усманов Мажитхон	1956	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

58-Пастдарғом сайлов округи		
Худайбердиев Шунқор Фармонович	1971	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Самарқанд вилоят бўлими бошқарувчиси
59-Пайариқ сайлов округи		
Буриев Шерзод Ахтамович	1979	Жомбой тумани Статистика ва ҳисоблаш ишлари маркази бошлиғи
60-Самарқанд сайлов округи		
Останов Шариф Рауфович	1953	Самарқанд шаҳри «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси хизмат бошлиғи
61-Тайлоқ сайлов округи		
Махмадиёров Хошимхўжа Жўрақуллович	1959	«Самарқанд миноралари» масъулияти чекланган жамияти бош архитектори
62-Ургут сайлов округи		
Қиёмов Маъмуржон Умирзоқович	1967	«Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлим мудири
63-Қоратепа сайлов округи		
Сабилов Пиримкул Хамраевич	1961	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
64-Гулистон сайлов округи		
Артукбаева Ҳайтан	1946	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси
65-Сайхун сайлов округи		
Ким Роман Тимофеевич	1957	Гулистон шаҳри «Сирдарё агроэкспорт» масъулияти чекланган жамияти раҳбари
66-Янгиер сайлов округи		
Ибадуллаев Ахроржон Абдухатович	1960	Бобўв тумани фермер хўжалиги раҳбари
67-Оқолтин сайлов округи		
Мамадалиева Нигора Мухаммадалиевна	1971	Оқолтин тумани «Нигора» хусусий фирмаси раҳбари
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
68-Шеробод сайлов округи		
Джураева Турсунот Чариевна	1964	Сурхондарё вилояти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг ҳуқуқшуноси
69-Ангор сайлов округи		
Рахимов Мадамин Умарович	1971	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби
70-Термиз сайлов округи		
Сиддиков Машраб Содикович	1960	«Сурхондарётаъминбутилаш» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси
71-Жарқўрғон сайлов округи		
Эгамурадов Сафар Хайтмурадович	1957	«Ўзбекистон почтаси» очик турдаги акциядорлик жамияти Сурхондарё филиали директори
72-Кумқўрғон сайлов округи		
Пардаев Намоз Усанович	1959	«Тўпаланг сув омбори қурилиши ва ундан фойдаланиш» дирекцияси директори
73-Шўрчи сайлов округи		
Зокиров Улуғбек Хуррамович	1974	«Асака» давлат акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилояти филиали бошқарувчиси
74-Денов сайлов округи		
Байкулов Анвар Абдуғаппарович	1964	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси
75-Сариосиё сайлов округи		
Шарофутдинова Дилдора Мухиддиновна	1963	Сариосиё тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси
76-Узун сайлов округи		
Садиков Алишер Мирзаалиевич	1963	Сариосиё тумани «Али Мирсодик Музаффар Агро» фермер хўжалиги раҳбари
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
77-Ангрен сайлов округи		
Юнусова Алия Туйғуновна	1961	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси
78-Бекобод сайлов округи		
Азамов Мухитдин Мухтарович	1962	Тошкент вилояти «Қишлоқхўжалиқкимё» худудий акциядорлик жамияти Бекобод тумани филиали директори
79-Бўка сайлов округи		
Нишанов Мелис	1951	«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси директори
80-Бўстонлиқ сайлов округи		
Рашитов Қаҳрамон Батирович	1963	«Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компанияси бош директорининг ўринбосари
81-Зангиота сайлов округи		
Халимова Индира Насриддиновна	1956	Тошкент вилояти ҳокимлиги оила, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибият мудири
82-Олмалик сайлов округи		
Исмаилов Орифжан Боқижонович	1953	«Меҳнат групп» корхонаси бош директори
83-Паркент сайлов округи		
Турсунбоев Шухрат Мирайимович	1970	Юқоричирчиқ тумани Қурилиш иқтисод касб-хунар коллежи директори
84-Тўйтепа сайлов округи		
Ан Зоя	1954	Тошкент вилояти корейслар жамияти раиси
85-Чиноз сайлов округи		
Абдурахмонова Мухтасар Алимовна	1965	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

(Давоми 3-бетда)

«БУНЁДКОРЛИК ЭПОПЕЯСИ»



Шу кунларда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Миллий санъат марказида таниқли фотожурналист, Халқаро фотоусталар Федерацияси аъзоси Абдуғани Жумаевнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган шахсий кўргазмаси намоён этилмоқда.

Кўргазма экспозициясидан расмонинг икки юздан ортиқ энг сара фотоасарлари жой олган бўлиб, уларда асосан, сўнгги йилларда пойтахтимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёд-

корлик ишлари акс эттирилган.

Айниқса, ижодкорнинг миллий меъморчилигимизнинг бетакрор намуналарини ўзида мужассам этган «Ҳазрати Имом мажмуаси», «Қатагон қурбонлари хотираси музейи», «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи каби иншоотларга оид суратлар галереяси нафақат соҳа мутахассислари, балки бу ерга ташир буюраётган оддий ранг-таъсир ихломандларида ҳам катта таассурот қолдирмоқда.


— Абдуғани Жумаевни истеъдодли фотожурналист, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси сифатида яхши биламан, — дейди кўргазма сўчилиши маросимида сўзга чиққан таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад. — Кўргазмага қўйилган ҳар бир санъат асари кишини ҳайратга солади. Ижодкор уларда халқимизнинг бунёдкорлик қудратини, салоҳиятини, таъбир жоиз бўлса даҳосини намоён эта олган.

— Фоторассомдан кўргазма ўтказиш катта масъулият талаб этади, — дейди Абдуғани Жумаев. — Бугунги «Бунёдкорлик эпопеяси» менинг учинчи шахсий кўргазмам. Уларда қўли гул меъморларимиз, қурувчиларимиз, халқ усталарининг улкан жасоратини тарих саҳифаларига муҳрлашга ҳаракат қил-

Фотокўргазма



ганман. Уйлайманки, келажак авлод бугун биз кураётган мухташам бинолардан, уни яратаётган, яратишга бош-қош бўлаётган бунёдкорлардан фахрланиб юради. Кўргазма 10 декабрга қадар давом этади. Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



СПОРТ

«НАСАФ» – «АЛ-РАЙАН» УЧРАШУВИ ҚАЕРДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Осиё футбол конфедерацияси қарорига кўра, мамлакатимиз чемпионатининг бронза медали совриндори Қаршининг «Насаф» футболчилари ОФК кубоги 2010 йилги баҳсларининг плей-офф учрашувида қатнашади деген бўлди. Қаршилиқлар мусобақанинг гуруҳ босқичига йўлланиш қўлга киритиш учун Қатарнинг «Ал-Райан» футболчилари билан ўзаро куч синашадилар. Плей-офф баҳси фақат битта ўйиндан иборат. Бу учрашув қайси мамлакатда бўлиб ўтишига 7 декабрда оидинлик қилинади. Учрашув 2010 йилнинг 23 январь кuni ўтказилиши кутилмоқда.

ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Жиззахда бокс бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 176 нафар «чарм кўлоқ» устаси ўн бир вазн тоифасида рингга кўтарилди. — Чемпионат жанглирида юртимизнинг биринчи рақамли боксчилари иштирок этишмади, — дейди мусобақа бош ҳаками Баҳодир Жуманиёзов. — Бу эса янги номларни кашф этишда жуда қўл келди. Шиддатли кечган учрашувларда умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти вакиллари энг кўп медалга сазовор бўлди. Бухоро ҳамда Тошкент вилояти вакиллари кейинги фахрли ўринларни банд қилишди. Мусобақа якунида ўз вазн тоифаларида Жасур Латипов (48 кг.), Шахрийёр Исоқов (51 кг.), иккаласи ҳам Андижон), Оразбек Шоимов (54 кг., Сирдарё), Шохрух Хўжабеков (57 кг., Жиззах), Фазлиддин Гойибназаров (60 кг., Бухоро), Камолддин Аҳмедов (64 кг., Тошкент вил.), Азамат Эргашев (69 кг., Бухоро), Шўхрат Абдуллаев (75 кг.), Аҳрор Қурбонов (81 кг.), Мирзоид Абдуллаев (91 кг., барчаси Андижон) ҳамда Аҳрор Миромлимов (+91 кг., Тошкент вил.) олтин медал билан тақдирландилар. Эркин ХОЛБОБО



ФАН-ХУНАР ТўГАРАКЛАРИ — ИСТЕЪДОДЛАР УЧУН ҚАНОТ

Мақтабларимизда фаолият кўрсатаётган фан-хунар тўғарақлари ўқувчиларнинг ўз истеъдодларини намоён этишлари учун муҳим восита саналади. Шу боис пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 132-мақтабда фан-хунар тўғарақлари ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тасвирий санъат фани ўқитувчиси Наталья Бажанова раҳбарлик қилаётган расм тўғарағида кўлаб истеъдодли ўқувчилар катта қизиқиш билан машғулотларга қатнашади. Улар ўзлари чизган расмлари билан туман ва шаҳар кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб келишмоқда.

Суратда: тўғарақдаги машғулот пайтидан лавҳа. Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МАҲАЛЛАНИНГ МЕҲРИБОНИ

Самарқанд шаҳридаги «Кўшбаққоли» маҳалласида 98-баҳорни қаршилаётган Амина Мирмуҳаммедова истиқомат қилади.

— Мен асли Андижонда туғилганман, — дея сўз бошлади онахон. — Ота-ондан етим қолганимда кичкинагина жамаласоч қизча эдим. Бизларни тоғам Муҳаммадхон Тожизода ўз бағирларига олиб тарбиялади, ўқитди. Мен тоғамдан, у кишининг умр йўлдоши таниқли санъаткор Лутфихоним Саримсоқовдан умрбод миннатдорман. Янгам мен ва укаларимни яхши тарбия бериб улғайтирди. Узим мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Андижон хотин-қизлар билим юртига ўқишга кирганман.

Билимга чанқоқ Амина Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга кирди ва бўлажак турмуш ўртоғи самарқандлик Исмаил Мирмуҳаммедов билан учрашди. Институтни тугатган, турли вазифаларда меҳнат қилди. Иккинчи жаҳон урушининг суронли йиллари Самарқандга бошқа республикалардан юзлаб фуқаролар келтирилди. Уларни уй-жой, зарурий озиқ-овқат, иш билан таъминлашда фаол қатнашди. Вилоятлардаги қўшқоқ мақтабларида меҳнат қилди. У қайси вазифада ишлаганини одамлардан меҳрини, ёрданини аямади. Нафақадан сўнг ҳам опа «Нуроний» жамғармаси ту-

ман бўлимида ёшларга маслаҳатгўй бўлди. — Мен Самарқандга келин бўлиб келганимда 22 ёшда эдим, — дейди она-



хон. — Турмуш ўртоғим Исмаил Мирмуҳаммедов шаҳардаги 21-мақтабда ўқитувчи бўлиб ишларди. Ҳаётда у кишидан кўп нарсаларни ўргандим, тажриба орттирдим. Қайнота-қайнонам маҳалланинг зиёли кишилари эди. Мени кўзидай қабул қилишди. Билмаганларимни ўргатиб, доим мени қўллаб-қувватлашди. Шу ерда фарзандлик, неварачевара, эваралик бўлдим.

Шукроналик

— Онажоним менга кўп нарсаларни ўргатди, — дейди неварачевара Баҳорхон. — Бу келиним, менинг шахсий шифокорим, — дея сўзга қўшилди онахон. — Касби ҳамшира. Илоҳим, дунё турғунча турсин, болаларининг роҳатини кўрсин. — Ҳар кун эрталаб онажонимдан хабар оламан, у кишининг дуоларини олиб, ишга отланиш менга одат бўлиб қолган, — дейди неварачевара Баҳорхон. — Кудаларимиз неварамга менинг номимни беришган, — дея изох беради онахон хайрон қолганини кўриб. — Яратганга шукр, ёлғиз фарзандимдан бир ўғил, уч қиз неварам, битта чеварам бор. Катта неварам Аминахон адвокат, Азияхон шифокор, Шахноҳон Самарқанд шаҳридаги 65-мақтаб директори. Ҳар дам олиш кунни кўргани келишад, ўтган кетганлардан сўхбатлашамиз. — Амина опа маҳалламизнинг фахри, — дейди «Кўшбаққоли» маҳалласи оқоқоли Олим Камолов. — Маъракатгўй у кишисиз ўтмайди. Барчадан ўзарининг беминнат маслаҳатларини аямайди, маҳалламизда шундай меҳрибон онахон борлигидан фахрланамиз. Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2010 йилги дастур асосида қўйидаги ётоқхоналар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади

Лот рақами	Объект номи	Ўрин сони	Бошланғич нархи		Қурилиш муддати (кун)
			ҚҚС билан (млн.сўм)	ҚҚС сиз (млн.сўм)	
1-1	Сурхондарё вилояти, Денов тумани марказидаги «Тиббиёт» йўналишидаги касб-хунар коллежи қошида ётоқхона қурилиши.	100	487,318	406,098	150
1-2	Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги «Компьютер технологиялари» йўналишидаги касб-хунар коллежи қошида ётоқхона қурилиши.	50	276,042	230,035	120
1-3	Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги «Педагогика» йўналишидаги касб-хунар коллежи қошида ётоқхона қурилиши.	100	466,260	388,550	150
2-1	Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙдаги «Педагогика» йўналишидаги касб-хунар коллежи қошида ётоқхона қурилиши.	100	480,324	400,270	150
2-2	Сурхондарё вилояти, Саросиё тумани, «Дашнобод» ҚФЙдаги «Педагогика» йўналишидаги касб-хунар коллежи қошида ётоқхона қурилиши.	100	461,250	384,375	150
2-3	Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги «Тиббиёт» йўналишидаги касб-хунар коллежи қошида ётоқхона қурилиши.	50	296,998	274,498	120
3-1	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги «Олимпия захиралари» касб-хунар коллежи қошида ётоқхона қурилиши.	200	965,292	804,410	195
3-2	Сурхондарё вилояти, Қизилқум тумани, «Янгийўл» ҚФЙдаги «Педагогика» йўналишидаги касб-хунар коллежи қошида ётоқхона қурилиши.	50	286,123	238,436	120
3-3	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги «Санъат» йўналишидаги касб-хунар коллежи қошидаги ётоқхона қурилиши.	100	316,832	264,027	75

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85. Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдордаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳужуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил буйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Амир Темури кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охиригидати — оферталар очилиши кун ва соати. Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темури кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla O'RIPOV
Latif G'ULOMOV
Asiddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Ta'tyana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afvor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Musihiiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi: Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi.
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
8230 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 00.00
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda